

**2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини
“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид**

ДАВЛАТ ДАСТУРИ

2023 йил 28 декабрь ҳолатига

T/р	Устувор йўналишлар, максадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизmlари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари (молиялаштириш манбалари)	Назорат қилувчилар	Масъул ижрочилик
VI. МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚКАН ҲОЛДА УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРГА ЁНДАШИШ							
84-мақсад: Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш							
259.	Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини янада кенгайтириш.	<p>1. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳомийлик тариқасида олган маблағлар (буом ва ашёлар) ҳақидаги маълумотларни очиқ эълон қилиш тизимини жорий этиш.</p> <p>2. Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари томонидан ҳомийлик тариқасида берилган маблағлар ҳақидаги маълумотларни очиқ эълон қилиш тизимини жорий этиш.</p> <p>3. Ҳар бир давлат органи ва ташкилоти ўз расмий веб-сайти ҳамда очиқ маълумотлар Порталида бўш иш ўринлари (марказий, худудий ва тизим ташкилотларида) ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга кўйиладиган талаблар, тақдим қилиниши лозим бўлган хужжатлар тўғрисидаги маълумотларни мунтазам киритиб бориш тизимини жорий этиш.</p>	Норматив-хукукий хужжат лойиҳаси	2023 йил сентябрь	-	Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши раиси Т. Нарбаева	<p>Бажарилган. Статистика агентлигининг 2023 йил 24 марта даги 01/3-19-09/2-39-сон хати Коррупцияга қарши курашиш агентлигига тақдим этилди.</p> <p>Ушбу хат орқали белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун Статистика агентлигининг Очиқ маълумотлар портал фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошкармаси бошлиғи Султанов Акром Аманович ҳамда Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар порталида ахборот ресурсларини шакллантириш, юритиш ва янгилаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Азизов Шерзод Ахмеджановичлар масъул этиб белгиланганлиги маълум қилинди.</p> <p>2023 йилнинг 9 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон</p>

Фармонига илова билан тасдиқланган Давлат дастуринин 259-бандида белгиланган топширик ижроси юзасидан ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини янада кенгайтириш мақсадида таклифларни ўз ичига олган 01/3-19-09/2-56-сон хат юборилди.

Жорий йилнинг 12-14-июл кунлари Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги ходимлари EXХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори кўмаги билан Вашингтонда (АҚШ) Open Data Watch (ODW) ташкилоти томонидан ўтказилган маълумотларнинг очиқлиги ва сифати, метамаълумотлар ва маълумотларни тарқатиш бўйича ихтисослаштирилган тренингда иштирок этишди. Тренинг Ўзбекистонда очиқ маълумотлар тизимини янада яхшилаш, давлат секторининг очиқлигини ва соглом бизнес муҳитини такомиллаштириш мақсадларига қаратилди. EXХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори ва ODW томонидан кўрсатилаётган техник ёрдами билан 2018-йилдан бошлаб Open Data Inventory (ODIN) очиқ маълумотлар рейтингида Ўзбекистон 48 баллга ўсида ва бу ODIN тарихидаги энг юкори ўсишлардан бири ҳисобланади.


Бундан ташқари Статистика агентлиги ходимлари ташриф давомида қўйидаги ташкилотлар вакиллари билан учрашли. Глобал маълумотлар барометри (Global Data Barometer - GDB) рейтинги

директори Силвана Фумега (Silvana Fumega) билан Zoom орқали Ўзбекистон Республикасининг Глобал Маълумотлар Барометридаги (GDB) эришган натижалари ва аниқланган камчиликларни бартараф этишда ҳамкорликда ишлаш ҳақида келишиб олинди.

Ташриф давомида Корпоратив очиқ маълумотлар маркази (Center for Open Data Enterprise) вакиллари Джоел Гурин (Joel Gurin) ва Пол Кухне (Paul Kuhne) билан учрашув ташкил этилди. Унда веб-сайтдан фойдаланиш қулайлиги, қидириш қобилияти ва маълумотларни визуализация қилиш каби интерактив хусусиятларни ўз ичига олган маълумотларни тарқатишнинг энг яхши амалиёти муҳокама қилинди.

Жаҳон банки бош статистиги Хайшан Фу (Haishan Fu) хоним ва Джудерика Диас (Juderica Dias) билан учрашув ташкил этилди. Мазкур учрашувда Жаҳон банки вакиллари Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар рейтингида ўрнини кескин яхшилаётганини ижобий баҳолади.

2023-йилнинг 27-ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-200-сон Фармонига 2-илова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16



						иондаги «Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6247-сон Фармонига киритилаётган қўшимча сифатида 5 та позицияда Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати кенгайтирилди. Умумий хисобда Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати 40 тага етди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 28-февралдаги ПФ-27-сон Фармони талаблари асосида барча давлат органлари ва ташкилотларига ҳар ойда ўзларининг расмий вебсайтларида “Бўш иш ўринлари (марказий, худудий ва тизим ташкилотларида), ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйиладиган талаблар ва тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар”ни эълон қилиш бўйича вазифа юкланди.
--	--	--	--	--	--	---